

ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Беҳзоджон Қуролович Маликов

Тошкент давлат транспорт университети “Халқаро оммавий хуқуқ” кафедраси
катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада халқимизнинг сиёсий бошқарув ва уни ташкил этиш, давлат бошқаруви, давлат хизмати тизимларининг шаклланиш тарихи, шунингдек “Авесто”да қўлланилган давлат хизмати лавозимларини ифодаловчи атамалар ижтимоий мансаблар ва бошқарув тартиби ҳақидаги маълумотлар илмий жиҳатдан тахлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат хизматчиси, авесто, таълимот, модел, тарих, дахю, нмана, варзана, вис, президент, қонун, хокимият

ABSTRACT

This article contains the political governance of our nation and its organization, the history of the formation of public administration, the civil service system, as well as the terms used in the Avesta to designate civil service positions, social positions and information about the order of government. subject to scientific analysis.

Keywords: civil servant, Avesta, teaching, model, history, Daksu, Nmana, Varzana, Vis, president, law, power

КИРИШ

Сиёсий бошқарув ва уни ташкил этиш, давлат бошқаруви, давлат хизмати тизимларининг шаклланиши нуқтаи назаридан қараганда мамлакатимиз тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Зеро давлат арбоби И.А.Каримов таъкидлаганидек, азал-азалдан “Ғарб индивидуализмидан” фарқли равища “Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади... халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз... Шарқ халқлари ва юртимиз аҳлига мансуб шундай белги-аломатлар ҳақида гапирганда, уларнинг тарихий-ижтимоий

заминига алоҳида эътибор қаратиш лозим”. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида давлат ва жамият бошқаруви эрамиздан аввалги учинчи минг ийллик ўрталарида шаклланлиги кузатилишини ҳисобга олсак, халқимиз давлат хизмати масаласида жуда катта тарихга эга лигини кўрамиз.

Қадимги Марказий Осиё давлатлари нафақат ҳудудий жиҳатлардан қўшни, балки давлат хизмати ҳамда бошқарув тизимининг мазмуни ва шакли жиҳатларидан бир-бирларига ўхшашлик характерини касб этганлар. Шунингдек, олий (сарой) ва маҳаллий ҳокимият бошқаруви, раҳбарлик масалалари, уларни танлаш ва тайинлашда ҳам бу давлатларни Марказий Осиё цивилизациясига хос бўлган умумийлик бирлаштириб туради. Бу соҳада тадқиқот олиб борган тарихчи олим профессор А.Сагдуллаевнинг таъкидлашича “Авесто”да қўлланилган давлат хизмати лавозимларини ифодаловчи атамалар ижтимоий мансаблар ва бошқарув тартиби ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихига тегишли энг қадимги ёзма манба «Авесто»да (милоддан аввалги IX-VIII ва милоддан аввалги VII-VI асрлар) ўз аксини топган. «Авесто» жамияти тўрт асосий қисмга бўлинади. Уй, оила жамоаси - «нмана», уруғ жамоаси - «вис», қабила - «занту», қабилалар иттифоқи - «дахъю» деб аталган. Шунингдек, «дахъю» вилоят маъносини ҳам англатган.

Оила, уруғ ва қабила бошлиғи маъноларини ифодалаш учун «пати» сўзи ишлатилган: «нманопати» (уй эгаси), «виспати» (қишлоқ оқсоқоли), «дахъюпати» (вилоят ҳокими). Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб аталган. «Састар» сўзи қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчисини ҳам билдирган. Оқсоқоллар кенгаши - «ханжамана», халқ йиғилиши (мажлиси) - «въяха» деб юритилган.

Энг қадимги даврларда бошқарувчи лавозимини бажарувчи шахсларнинг (оқсоқоллар, ҳарбий йўлбошчилар, коҳинлар) фаолияти асосан ижтимоий фойдали фаолият бўлган, чунки жамиятда бундай кишиларнинг чиқишига уларнинг ахлоқий хислатлари ва обрў-эътибори сабаб бўлган, холос. Бажарувчи шахслар рағбатлантирилиб турилган ва бу, ўз навбатида, ўзига тўқ оиласарнинг пайдо бўлишига олиб келган ва аста-секинлик билан жамоадаги юксак ҳурматга асосланган ҳокимият мерос тариқасида отадан ўғилга ўта бошлаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шарқ халқлари дунёқарашида муаммоларни тутатиш тамойили аслида давлат хизмати ва бошқарувнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Ҳаётдаги иқтисодий, ижтимоий

муаммоларни қандай ҳал қилиш масаласи, ечимни қандай тарзда моҳирона амалга ошириш тамойили шарқ халқарининг асрлар давомида мазкур муаммога нисбатан муносабатлари, амалий ҳаракатларининг шаклланишига асос бўлган. А.Сагдуллаев илк давлатларнинг ташкил топишида “жамият ривожининг ички қонуниятлари (ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг юқори даражаси, ҳунармандчилик, товар айрбошлиш ва савдонинг тез ривожланиши, суғорма дехқончилик ва бошқалар) билан бирга, ташқи омиллар – кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар”нинг ҳам катта ўрни борлигини таъкидлайди. Мазкур фикр гарчи давлатларнинг ташкил топиши нуқтаи назаридан айтилган бўлсада уни давлат хизматининг шаклланишига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Яъни илк давлатчилик тизимида давлат худудини ички ва ташқи талашувлардан ҳимоялаш, хўжалик ва ишлаб чиқариш муносабатларининг тартибли ривожланишини таъминлаш, сув ва ер тақсимотини ташкил этиш, меъёрлаштириш ва назорат қилиш, жамиятдаги турли тоифалар муносабатларини тартибга солиш, “воҳалар, макон ва манзилгоҳлар аҳолисини” ташқи босқинчи кучлардан ҳимоялаш, шунингдек, тоифалар орасидаги бўлинишларни олдини олиш каби муаммолар шу соҳаларни назорат қиласидиган давлат хизмати ва бошқарув тизимини талаб қиласиди. Профессор А.Сагдуллаев тўғри таъкидлагани каби: “Бу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида, у ёки бу кўринишдаги ишларни ташкил этиш учун жамият жамоадаги ҳурматга эга бўлган кишиларни - йўлбошчиларни майдонга чиқарди. Шу тариқа, ижтимоий-иктисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда алоҳида ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлган кишиларнинг ажralиб чиқишига олиб келди”. Ана шундай кишилар томонидан яратилган ҳамда тартиб тусига киритилган бошқарув ва раҳбарлик давлат хизмати маданиятининг шаклланишига асос бўлди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Профессор А.Сагдуллаев бошқарувнинг пайдо бўлиш асосларини қўйидаги омиллар билан боғлади: “ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти; ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти; жамоадаги урф-одатларни бажариш; жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан бўлиниши”. Бошқарув тамойилларини эса “ташкил этиш, тартибга солиш, назорат, жамоатнинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш” каби устивор функциялар асосида белгилайди. А.Сагдуллаев мазкур қарашлардан келиб чиқиб бошқарув амалиётини иктиносидий, ижтимоий ва ҳарбий-сиёсий тармоқларга

ажратади. Мазкур таснифлаш “Авесто”да илгари сурилган бошқарув билан боғлиқ ғояларга анча мувофиқ келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда давлат хизмати ва бошқарув билан боғлиқ назариялар ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан “Авесто” даврида шаклана бошлиган эди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Авесто” да ифодаланган ва илоҳий деб саналган тартиб-қоидалар, ижтимоий муносабатлар гарчи тўғридан-тўғри бошқарув назариясига қаратилган бўлмасада, давлат хизмати тизими асосларининг шаклланиши ва унинг воситасида эса бошқарувнинг амалий ривожланишига сабаб бўлган эди.

“Авесто”дан яна шуни қузатиш мумкинки, давлат ва маҳаллий бошқарувни ташкил этиш тамойилларни шакллантиришда дин пешволарининг ҳам ўрни юқори бўлган. Ўша даврларда Авесто давлат ва жамиятни ташкил этиш қонунларини ўзида мужассамлаштирган муқаддас китоб бўлганлиги учун ҳам бу қонунлар ижросини назорат қилувчи дин пешволарининг мақомлари юқори бўлган. “Авесто”нинг “Вандидод”лар бўлимида мужассамлашган давлат ва жамиятни бошқариш тартиботи, жиноятни жазолаш, яхшиликка мукофот бериш, бўйсуниш ва бўйсундириш каби қоидаларни давлат ҳокимияти ёки жамоа бошқарувида фаолият олиб борувчиларнинг ёддан билиши талаб этилган.

ХУЛОСА

Умуман, “Авестода” давлат хизмати ва бошқарув лавозимларига қўйилган бош талаблар қуидаги намоён бўлади: жамиятнинг тўртта тоифаси (харбийлар, ҳунармандлар, дехқон-чорвадорлар, диндорлар)дан бирига мансублик ва улар орасида обру-эътибор қозонганлик; шахс характерида “Авесто”даги илоҳий тўрт унсурнинг мавжудлиги ва шахснинг уларни жиловлай олиши. “Авесто”да мана шу тўртта тоифа жамиятнинг асосини ташкил этган. Улардан ҳеч бўлмаганда бирига мансуб бўлмаслик ҳар қандай шахсни бошқарувда иштирок этишига чек қўйган. Юксак мансаблар эса биз юқорида тилга олган тўрт унсурнинг шахс томонидан қандай жиловланганлигига қараб тақдим этилган. “Авесто” талабига кўра юксак раҳбарлик маҳорати мазкур унсурлардан фақат биттасига кучли даражада эга бўлган шахсга эмас уларнинг барчасидан мўътадил ҳолда файдалана оладиган одамларгагина тегишли бўлган. Масалан, раҳбар шахснинг табиатида фақат олов унсури кучли бўлмаслиги керак, олов кучли ғазабни ифодалаб, бундай табиатли раҳбар катта хатоларга йўл қўяди, деб қаралган. Шу каби сув юмшоқлик ва кўнгилчанлик, тупроқ хоксорлик, камтарлик, хаво худбинлик ва кибр, енгилтаклик, айни вақтда

ғуур, орият маъноларини ифодалаб, бу унсурлардан бири хислатларининг шахсада ёрқин намоён бўлиши бошқарув ишида муаммоларни келтириб чиқаради, деган тушунчага асосланилган. Шунингдек, ҳар бир унсур жамият тўрт тоифасидан бири билан боғланган ва шунинг учун ҳам бошқарувдаги асосий қарорлар мазкур тўрт унсур намояндалари бўлган тўрт тоифа вакиллари тўпланган кенгашларда қабул қилинган.

Қадимги даврларни тадқиқ этган олимларимиз фикрларини умумлаштирганимизда ҳам шу нарса маълум бўладики, Марказий Осиёда давлатчилик шаклланиши, бошқарувнинг юзага келишининг ilk босқичларида давлатни идора этиш ва жамият тартибини сақлаш, давлат бошлиғи ва бошқа мансабдорларни танлаш, тайинлаш масалалари жамоа, оқсоқоллар кенгаши, диний ва ҳарбий, чорвадор-дехқон ва хунармандчилик табақаларини бошқарувчи раҳбарлар қарорларига биноан ҳал этилган.

REFERENCES

1. Беҳзоджон Қуролович Маликов ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР // Academic research in educational sciences. 2021. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-davlat-hizmatini-tartibga-solishdagi-muammolar> (дата обращения: 20.12.2022).
2. Маликов, Б. Қ. (2021). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ДОИР СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ. *Scientific progress*, 1(4), 207-212.
3. Маликов, Б. Қ., & Икромов, Д. Р. Ў. (2022). ШАРҚ ТАЪЛИМОТИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ФОЯЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 483-487.
4. Маликов, Б. Қ. (2021). ЁШЛАРНИ САЛБИЙ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ХДМОЯ КИЛИШ-ДАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ YANGI O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM ILMUY-METODIK JURNALI. *ISSUE*, 1(1), 202-206.
5. Маликов, Б. Қ., & Абдураимов, О. Қ. Ў. (2022). ХУҚУҚИЙ БАРКАМОЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 449-453.
6. Маликов, Б. Қ., & Дехқонбоев, Ш. Б. Ў. (2022). ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУХИМ ОМИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 462-466.

7. Маликов, Б. Қ., & Эшқурбонов, А. И. Ў. (2022). АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТДА ОДИЛ СУД СИФАТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 467-472.
8. Маликов, Б. Қ., & Хамроқулов, Б. К. Ў. (2022). ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ВА ТАБИАТ ҚАДРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 473-478.
9. Маликов, Б. Қ., & Хамроқулов, С. К. Ў. (2022). ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ФОЯЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 479-482.
10. Маликов, Б. Қ., & Болиева, Н. Қ. Қ. (2022). ХУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 458-461.
11. Маликов, Б. Қ., & Бўриев, З. Б. Ў. (2022). ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ХУҚУҚИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 454-457.
12. Qurolovich, M. B. (2023). ALISHER NAVOIYNING VATAN VA DAVLAT XIZMATCHISI SIFATIDAGI SIYOSIY QARASHLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 27(1), 78-81.
13. Qurolovich, M. B. (2023). YOSHLARNING SIYOSIY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS HUSUSIYATLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 27(1), 73-77.